

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А. Ахрорқулов
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар шароитида нотижорат ташкилотларининг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсад йўлида қаратиладиган асосий эътибор бу ННТлар фаолиятини қонун нуқтаи назаридан такомиллаштириши бўлиб, ҳозирда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Фуқролик кодекси ҳамда ушбу соҳага оид бошқа қатор қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириши тўғрисидаги фикрлар, таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: юридик шахс, матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фонdlари, муниципиал муассасалар, хусусий муассасалар, юридик шахс бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарииш органлари, нотижорат ташкилот.

АННОТАЦИЯ

Роль некоммерческих организаций в контексте реформ в нашей стране сегодня важна. Основной направленностью данной цели является совершенствование деятельности НПО с правовой точки зрения, а также предоставление идей, предложений и рекомендаций по восполнению правовых пробелов в действующем Гражданском кодексе Республики Узбекистан и ряде других соответствующих законодательных актов.

Ключевые слова: юридическое лицо, пресс-кооператив, общественные объединения, общественные фонды, муниципальные учреждения, частные учреждения, объединения юридических лиц, органы самоуправления граждан, некоммерческая организация.

ABSTRACT

The role of non-profit organizations in the context of reforms in our country is important today. The main focus of this goal is to improve the activities of NGOs from a legal point of view, as well as providing ideas, suggestions and recommendations for filling legal gaps in the current Civil Code of the Republic of Uzbekistan and a number of other relevant legislative acts.

Keywords: legal entity, press cooperative, public associations, public funds, municipal institutions, private institutions, associations of legal entities, self-government bodies of citizens, non-profit organization.

КИРИШ

Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ривожлантиришнинг барча соҳаларини ривожлантиришга кучли туртки берди. Ҳаракатлар стратегияси, мазмунан, мамлакатимизнинг ва жамиятимизнинг мақсадли йўналтирилган устувор ривожланишини тезлаштиришга ундаидиган яқин беш йиллик ислоҳотларнинг “йўл харитаси” бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа бир қатор Президентимиз фармонлари, қарорлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Умуман, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида “учинчи сектор”ни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама кўмак кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида бир қатор фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида чоралар қўрилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида жамоат ташкилотларининг бир қатор янги нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва қайта қўриб чиқиши тўғрисидаги таклифлари давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ), “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ёшлар ҳаракати, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Тараққиёт стратегияси” маркази, “Эзгу мақсад” жамғармаси, Маданият вазирлиги қошидаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шулар жумласидандир.

Бугунги кунда халқаро нотижорат ташкилотлар ҳам ўз фаолиятини кўрсатмоқда. Жумладан, «Buyuk kelajak» халқаро нодавлат нотижорат

ташкилоти Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган. Ташкилот томонидан хорижда яшаб-фаолият юритаётган ўз касбининг етук мутахассислари бўлган ўзбекистонлик ватандошлар иштирокида экспертилик кенгаши тузилгани ҳақида хабар берилган эди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

«Buuyuk kelajak» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича янги таклифлар тақдим этишни мақсад қилиб қўйган. Жумладан, 2021 йилга қадар қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида «Тараққиёт стратегияси» маркази билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради. Шу билан бирга ҳамкорликда турли соҳа мутахассисларидан иборат экспертилар кенгаши аъзоларини фаол жалб қилиш орқали келгуси йиллар учун ишлаб чиқиладиган Давлат дастурларига таклифлар тақдим этиб боради. Ташкилотнинг асосий мақсади сифатида Ўзбекистонни янада жадал ривожланиши учун хизмат қиладиган узоқ муддатли тақлиф ва стратегиялар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси 575 нодавлат нотижорат ташкилот саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи йирик фуқаролик жамияти институти эканлигининг ўзи Давлат дастурига жалб этилган ННТлар доираси кенгайишига катта туртки берганлиги алоҳида таъкидлаш зарур.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бозор хўжалик шаклига ўтилиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй беришига замин яратиши билан бирга, юридик шахсларнинг алоҳида тури бўлган ва кўплаб ташкилий-хуқуқий шаклларда ташкил этиладиган нотижорат ташкилотларидан самарали фойдаланишининг хуқуқий шаклларига янгича муносабатда бўлиш заруриятини юзага келтирди. Асосан нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириши билан бирга, мулкий муносабатларнинг ҳам фаол иштирокиси ҳисобланган нотижорат ташкилотларининг фуқаролик муомаласига кенг жалб этилиши фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг мазкур субъектлари хуқуқий мақомини, улар фаолиятининг мулкий асосларини янгича баҳолашни талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, нотижорат ташкилотлари ва уларнинг алоҳида ташкилий-хуқуқий шакллари юридик шахсларнинг нисбатан кенг тарқалган турлари бўлиб, давлат ва жамият манфаатларини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти

И.А.Каримов қуидагиларни ҳақли равища таъкидлаб ўтган эди: фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва ҳукуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда¹.

Дарҳақиқат, нотижорат ташкилотлари давлатга қарашли бўлиши билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида ҳам ташкил этилиши мумкин. Шу сабабли ҳам нотижорат ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги ҳукуқий мақомини аниқлаш ва давлат ҳамда нодавлат ташкилоти сифатида уларга мол-мулкига эга бўлиш ҳамда улардан фуқаролик муомаласида фойдаланишга нисбатан дуалистик (икки ёқламалик) ҳолатини бирлаштирувчи умумий жиҳатларни ёритиш муҳимдир.

Қолаверса, юридик шахс сифатида нотижорат ташкилотларининг турлари рангбаранглиги, уларнинг фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда иштироки турли қонун хужжатлари билан тартибга солиниши ҳам бугунги кунда ўзига хос долзарблик касб этади.

Юридик шахс сифатида нотижорат ташкилотларининг мол-мулкка эга бўлишга оид қоидалар ФҚда белгиланган. Бироқ мазкур кодексда нотижорат ташкилотларининг ҳукуқий лаёқати, уларнинг мол-мулкига оид қоидалар жуда кам бўлиб, асосан давлатга тегишли нотижорат ташкилотлари, жумладан, муассасаларнинг ҳукуқий мақоми билан боғлиқдир. Шу боис ФҚда нотижорат ташкилотларининг ҳукуқий лаёқати ва уларнинг алоҳида турларига хос бўлган умумий қоидаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Кўп ҳолларда нотижорат ташкилотлари, масалан муассасалар мулкдор томонидан ташкил этиладиган ва бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширишга қаратилган юридик шахс сифатида давлат ва жамият ҳаётида катта ўрин тутади. Муассасалар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилмасдан, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ва шу орқали муайян даромад кўришлари мумкин. Шу боис муассасаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига оид нормаларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 45 б

Амалдаги қонунчиликда муассасаларнинг қайси мулк шакли асосида ташкил этилиши борасида муайян қоидалар назарда тутилмаган. Бу эса ўз навбатида муайян турдаги ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида мулқдор томонидан ташкил этилган ва молиялаштириладиган юридик шахсни муассаса сифатида эътироф этиши ва унинг хуқуқий мақомини белгилашда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли қонунчиликда муассасалар айни пайтда давлат ва хусусий шахслар томонидан ҳам ташкил этилиши мумкинлиги қоидаларни назарда тутиш зарур.

ФКда муассасалар мулқдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот сифатида белгилангани ҳолда, молиявий таъминлашнинг энг кам миқдори ва унинг муддатлари белгиланмаган.

Бугунги кунда муассасанинг мулкий жавобгарлиги турлича тартиба солинмоқда. Таъкидлаш лозимки, хуқуқни қўллаш ва суд амалиёти айнан муассасанинг пул маблағларига ундирув қаратиш ҳолатлари билан тўқнашиш ҳолатлари мавжуд. Бунда муассасанинг бошқа мол-мулкига нисбатан ундирув қаратилиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатда РФ Олий Арбитраж судининг 2006 йил 22 июндаги 21-сонли Пленум қарори ҳамда 1999 йил 14 июлдаги 45-сонли ахборот хати мавжуд бўлиб, РФ ГК белгиланган муассаса мол-мулкига ундирув қаратишга оид тушунтиришларни ифодалайди².

Бюджет муассасалари жавобгарлигининг чегараси мол-мулкнинг турли категориялари билан белгиланади ва унинг ўзига хослиги пул маблағларига ундирув қаратишда кўринади. Хусусий ва бюджет муассасаларининг фуқаролик-хуқуқий жавобгарлигидан фарқли равишда бюджет муассасаларининг субсидиар жавобгарлигини назарда тутмайди. Бироқ, бу ўринда пул маблағларига ундирув қаратишда ўхшашиб мавжуд. Субсидиар жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги кредиторлар талаблари қарздорнинг мол-мулки мавжуд бўлмаса ёки етарли бўлмаслиги ҳолатларида хуқуқий мавхумликни келтириб чиқаради. Айрим тадқиқотчилар бунинг ечими сифатида муассасанинг ташкилий-хуқуқий шаклини ўзgartиришни таклиф

²Постановление Пленума Высшего Арбитражного Суда РФ от 22.06.2006 № 21 (ред. от 19.04.2007) «О некоторых вопросах практики рассмотрения арбитражными судами споров с участием государственных и муниципальных учреждений, связанных с применением статьи 120 Гражданского кодекса Российской Федерации» // Вестник ВАС РФ. 2006. № 8.; Информационное письмо Президиума Высшего Арбитражного Суда РФ от 14.07.1999 № 45 «Об обращении взыскания на имущество учреждения» // Вестник ВАС РФ. 1999. № 11.

қиласи³. Бироқ, бундай ёндашувни бошқа тадқиқотчилар баҳсли эканлигини қайд қилишади⁴.

Давлат муассасасининг мустақил мулкий жавобгарлиги ҳақидаги мавжуд қоидалар кредиторлар манфаатларини етарлича қаноатлантирмайди. Айрим ҳолларда “фойдали муассасалар”ни ташкил этиш фикциядек бўлиб туюлади. Чунки муассаса фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлиги уларнинг фойда олиш имкониятини йўққа чиқаради.

Муассасанинг барча пул маблағлари унинг мол-мулкини сақланиши учун сарфланади. Бундан ташқари РФ ГКда алоҳида қийматга эга бўлган мол-мулкка ундирувни қаратишни таъкиқлайди. Бундан келиб чиқадики, кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари яна қолиши даргумон, шунингдек қолган мол-мулк ҳамда “алоҳида қийматга эга” мол-мулкка нисбатан жозибадорлиги бўлмайди⁵.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасида кўрсатилишича, нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Бироқ, бу ўринда нотижорат ташкилотининг қандай мол-мулки ушбу тоифага кириши масаласи очиқ қолиб кетган. Бу борада РФ “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ва “Автоном муассасалар тўғрисида”ги қонунларида⁶ муайян талаблар белгиланган бўлиб, бундай мол-мулк турлари давлат ҳокимияти органи ёки маъмурияти томонидан аниқланади. Бундай мол-мулкнинг рўйхати муассис функциялари ва ваколатларини амалга оширучи тегишли органлар томонидан белгилиниади. Шунингдек, РФ Ҳукуматининг 2010 йил 26 июлдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган “Автоном ёки бюджет муассасаси мол-мулкини алоҳида қийматга эга деб топиш тартиби”да⁷ қуидаги мезонлар белгиланган:

³Матвеев В. Ю. Гражданко-правовой статус учреждений по законодательству Российской Федерации на современном этапе : автореф. дис. ... канд. юр. наук. М., 2013.24-25 с.

⁴ СибаревА.Ф.Правовое регулирование гражданско-правовой ответственности учреждений. // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. 2013. Вып. 9. С. 55.

⁵ Бакин А.С. Субсидиарная ответственность собственника имущества учреждения по законодательству РФ. //Вестник томского государственного университета, 2012, №4(6), -84 б.

⁶О некоммерческих организациях: федеральный закон Рос. Федерации от 12.01.1996№ 7-ФЗ (ред. от 28.07.2012) //Собрание законодательства РФ. 1996. № 3. Ст. 145.; Об автономных учреждениях: федеральный закон Рос. Федерации от 03.11.2006№ 174-ФЗ (ред. от 06.11.2011) //Собрание законодательства РФ. 2006. № 45. Ст. 4626.

⁷Постановление Правительства РФ от 26 июля 2010 г. № 538 «О порядке отнесения имущества автономного или бюджетного учреждения к категории особого ценного движимого имущества» //Собрание законодательства РФ. 2010. № 31. Ст. 4237.

1) федерал автоном ва бюджет муассасалари 200 минг рублдан 500 минг рублгача бўлганда, РФ субъектлари 50 минг рублдан 500 минг рублгача бўлганда, муниципиал муассасалар учун 50 мингдан 200 минг рублгача блганда;

2) бошқа мол мулк, агар унинг олиб қўйилиши уставга мувофиқ ўз олдига қўйган устав мақсадларни амалга ошира олмайдиган аҳволга тушишига олиб келса;

3) бегоналаштирилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида тартибни талаб қилувчи мол-мулк, шу жумладан, музей коллекциялари ва предметлари, музей фонди, архив фонди ҳужжатлари ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси ҳисобланади. Бу ўринда қонун чиқарувчи музейни муассаса ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги нотижорат ташкилотлар қаторига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги 68-сон қарори билан тасдиқланган Музейларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига кўра музейларнинг моддий-техника базаси зарур иморатлар, коммуникациялар, жиҳозлар, музейлар фондини музей ашёлари ва коллекциялари билан бойитиш, уларни сақлаш, аниқлаш, тўплаш, маданий, маърифий, илмий ва таълим фаолиятини амалга ошириш, ўрганиш, эълон қилиш соҳасидаги бошқа вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

Фикримизча, бундай мезонлар қўйилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки мазкур мезонлар амалда ундирувни муассаса мол-мулкига қаратишни мумкин бўлмаслигига олиб келади. Чунки, муайян миқдорда ҳатто 50 минг рубл ёки ундан ортиқ миқдордаги пул маблағи табиийки, одатда барча муассасаларда бўлиши мумкин. Шу билан бирга айрим муассасаларда шундай мол-мулклар мавжуд бўладики, уларни бегоналаштириш муассасанинг функционал вазифаларни бажаришига имкон бермайди. Масалан, транспорт воситалари, маҳсус асбоб-ускуналар, жиҳозлар, интеллектуал мулк обьектлари ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 40-моддаси учинчи қисмида тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилган бўлсада, тижоратчи бўлмаган ташкилотларга бағишлиланган З параграф 73-моддаси

матлубот кооперативи, 74-модда жамоат бирлашмалари, 75-модда жамоат фондлари тарзида ифодаланган. Ваҳоланки, ФКга 2004 йил 30 апрелда киритилган ўзгартириш алоҳида моддаларда тўғри ифодаланган ҳолда, 40-модда учинчи қисми эски таҳрирда яъни, ижтимоий фонд шаклида қолиб кетган. Ушбу камчилик эътибордан четда қолиб кетган ва бартараф этиш зарурати юзага келган.

Шу билан бирга нотижорат ташкилотларнинг турлари ва қандай ташкилий-хуқуқий шаклда ташкил этилишига доир алоҳида қоидалар ФКда белгиланмаган.

Шу муносабат билан ФКда нотижорат ташкилотларини рўйхатини ва уларнинг турларини белгилашдан олдин нотижорат ташкилотларнинг умумий қоидаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундай амалиёт бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида қўлланила. Хусусан, РФ Гражданлик кодексида алоҳида параграфда яъни, 123¹-123¹⁶-моддага қадар нотижорат ташкилотларга бағишлиланган.

Фуқаролик кодексининг муассасаларга бағишлиланган қоидалари жуда мавҳум ифодаланган бўлиб, бунда муассасалар қайси мулк шаклларида ташкил этилиши агар бир вақтнинг ўзида муассаса ёки хусусий мулк кўринишида ташкил этилганда уларнинг мақоми борасидаги қоидаларни белгиламайди.

Фикримизча, бундай ноаниқлик амалиётда хусусий турдаги муассасаларнинг мақомини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Масалан, ҳозирги кунда кенг тарқалаётган нодавлат таълим муассасалари. Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Фуқаролик кодексига 76¹, 76²-моддаларни киритиш ва уларда алоҳида давлат муассасаларга ва алоҳида хусусий муассасаларга бағишлиланган нормаларни белгилаш зарур. Назаримизда, бу қоидалар қуидагича ифодаланиши лозим:

“76¹-модда. Давлат ва муниципиал муассасалар

Давлат ёки муниципиал муассасалар оператив бошқариш хуқуқи асосида ташкил этилади.

Давлат ёки муниципиал муассасалар фаолиятини молиявий таъминлаш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

Давлат ёки муниципиал муассасалар ўз мол-мулки мулкдорининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Давлат ёки муниципиал муассасалар мажбуриятлари бўйича ўз тасарруфида бўлган пул маблағлари билан жавобгар бўлади. Пул маблағлари

етарли бўлмаган ҳолларда давлат ёки муниципиал муассаса мол-мулкининг мулқдори мажбуриятлар бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат ёки муниципиал муассасалар ўз мажбуриятлари бўйича оператив бошқарув ҳукуки асосида тегишли бўлган барча мол-мулки, шу жумладан даромад келтирадиган фаолиятидан олинган маблағлар билан жавобгар бўлади, давлат ёки муниципиал муассасага биринчи қисмига мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган кўчар мол-мулк, шу жумладан қандай маблағлар ҳисобига олинганлигидан қатъий назар кўчмас мулклар бундан мустасно.

Фуқароларга заар етказилганлиги натижасида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича давлат ёки муниципиал муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки етарли бўлмаган ҳолларда муассаса мол-мулкининг мулқдори субсидиар жавобгар бўлади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат ёки муниципиал муассасалар бошқа ташкилий-ҳукуқий шаклдаги тижоратчи бўлмаган ташкилот шаклида қайта ташкил этилиши мумкин.

Давлат ёки муниципиал муассасалар ҳукуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

76²-модда. Хусусий муассасалар

Хусусий муассаса унинг мол-мулки мулқдори томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилади.

Хусусий муассаса ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари билан жавобгар бўлади. Кўрсатиб ўтилган мол-мулклар етарли бўлмаган ҳолларда хусусий муассаса мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулки мулқдори субсидиар жавобгар ҳисобланади.

Хусусий муассаса фонд шаклида қайта ташкил этилиши мумкин.”

REFERENCES

1. Абдусаломов М. Тадбиркорлар ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик ҳукуқий усуллари ва муаммолари. Ю.ф.н. Афтотефера. -Т.: 2003 11-б
2. Гражданские права. Том-1. Учебник. Отв.ред. Е.А.Суханов -М.: "БЕК". 1998. -197 б.
3. Гражданское право Ч-1. -М.: Проспект. Под.ред. С.П.Сергеева.К.Толстого 1999. -127 б.

4. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик шукуқи. -Т.: Адолат 1996 -57 б.
5. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик кодексига шарҳлар. Т.1. Т.: Vector press, 2010. 72-73 б.
6. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1-қисм. Т.: ТДЮУ, 2017. 81 б.
7. Понамарева О.А. Правовое регулирование и порядок создания некоммерческих организаций. //Вопросы управления. Выпуск №6(37) декабрь 2015г. -255 с.
8. Сойфер Т.В. Концепция некоммерческих организаций в российском гражданском праве. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. -М., 2010. -19-20 с. -28-29 с.
9. Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Т.: ТДЮИ, 2004. 128 б.
10. O'G'Li, I. D. B. (2022). YURIDIK SHAXSLARNING UMUMIY YIG'ILISH QARORLARINI HAQIQIY EMAS DEB TOPISHNING HUQUQIY OQIBATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 430-447.
11. Imomov, N. F. (2011). New objects of intellectual property law/Editor-in-Chief O. Okyulov. *Tashkent: TSIL*.
12. ИМОМОВ, Н. (2017). CRITICAL ANALYSIS OF DIVISION OF LEGAL ENTITIES INTO TYPES. *Юридик фанлар аҳборотномаси*, (1), 68-74.